

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Битирув малакавий иш

Отабой Эшонов – БХСР тадқиқотчиси

Тарих таълим йўналиши
битирувчиси: Ҳакимов

Жамол

Илмий раҳбар: тарих
фанлари номзоди
Рахмонов К.Ж.

Бухоро – 2012 йил

Режа

Кириш

1. Профессор Отабой Эшонов ҳаёти ва илмий фаолияти
2. Тоталитар тузум шароитида О.Эшонов томонидан 1920-1924 йиллар БХСР тарихининг ёритилиши
3. Олимнинг илмий-назарий, тарихий қарашларининг ўзгариб бориши ва мафкуравий кураш
4. О.Эшонов томонидан давлат арбоби Файзулла Хўжаев сиймосининг ёритилиши

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова (кўргазмали слайд материаллари)

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай узоқ йўл биринчи қадамни қўйишдан бошланади. Ҳар қандай мевали дарахт ўз шох-бутоқларини қуёшга томон қанчалик баланд кўтариб юлсалтирса, унинг илдизлари ҳам ер остига шунчалик чуқур кириб боради.

Бизнинг ил-фан йўлидаги биринчи қадамимиз ёшлик зти чакнаб турган куч ҳайратимиз манбаи ўз давлатимиз ўтмиши, ҳозирги куни ва келажакнинг яхши билиб олишдан иборатдир. Нафақат давлат тарихини, балки бундан олдин яшаб ўтган аجدодларимиз тарихини ўрганишимиз зарурдир.

Менинг битирув - малакавий ишимнинг мавзуи шундай инсонлардан бири бўлган Отабой Эшонович Эшонов тўғрисидадир. У Советлар даврида яшаган ва ижод қилган. Отабой Эшонов ўзи қурган воқеаларни варақга тушурган. У ўша давр тушунчаси орқали ўз асарларини яратган. Чунки яшаган даврингиз билан ҳамоханг бўлиб яшамасангиз ёки ўлимга маҳкум этиласиз ёки қатоғон қилинасиз, бу аниқ.

Унинг бизгача етиб келган мероси асарларидир.

Бухоро тарихининг энг бузиб ёзилган даври -бу унинг шўро тарихи давридир. Бу йиллар давомида Бухоро халқи бошига тушган аянчли ва ташвишли воқеалар “жаҳон инқилоби”, “зафарли юриш”, “халоскорлик”, “озодлик” деб аталмиш ёлгон сўзлар билан никобланиб, большевиклар ва

қизил армиянинг жинояткорона қилмишлари халқдан яшириб қилинди. Аслида Бухоро амирлиги большевикларнинг буюк давлатчилик шовинизми сиёсатининг қурбони бўлган эди. “Бухоро инкилоб”дан кейин оғир маънавий, сиёсий ва иқтисодий инқирозга дучор бўлди.

Қуйида О.Эшонов асарларидан шўро тўнтаришининг салбий оқибатлари, қизил армиянинг маҳаллий аҳолига нисбатан қўллаган қирғин –барот ҳаракатлари, янги шўро ҳукуматининг ислохатларни ўтказиш соҳасидаги уқувсизлиги ва аниқроғи ҳукуматнинг ўзгалар амри билан иш кўриш, маҳаллий ҳамда чет эллик кўрбошиларнинг шўро давлатига қарши 1920-1924 йилларда олиб борган тенгсиз курашлари тўғрисида билиб оламиз.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мен ўрганаётган мавзу доирасида яхлит илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бироқ БХСР даври тарихини ўрганишда О.Эшоновнинг тадқиқотларидан унумли фойдаланилган.

БХСР тарихини ўрганиш XX асрнинг 50-70-йилларида анча кенг тус олди. Бу давр тадқиқотларида ҳукмрон мафкуранинг кучли таъсири сезилса-да, уларда келтирилган фактлардан ҳозирги кун тадқиқотларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу борада О.Эшонов, Л.Шек, А.Алиев, М.Иркаев, Ф.Қосимов, И.Алимов кабиларнинг асарлари ва илмий ишларини¹ алоҳида қайд қилиш лозим. Ушбу муаллифлар БХСРнинг

¹ Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). - Ташкент: Изд.АН УзССР, 1955; Ўша муаллиф. Победа Народной Советской революции в Бухаре. - Ташкент: Изд.АН УзССР, 1957; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. - Ташкент: Узбекистан, 1969; Шек Л. Победа Народной Советской революции в Бухаре. - Ташкент: Госиздат, 1956; Алиев А. Великий октябрь и революционизирование народов Бухары. - Ташкент: Госиздат УзССР, 1958; Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. - Душанбе, 1963; Касымов Ф. Историография БНСР: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент,

сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий тараққиёти масалалари хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирадилар.

И.Алимов асарида БХСРдаги аграр муносабатлар тарихи таҳлил қилиниб, республикадаги хўжалик ҳаёти, ер эгалиги, унинг шакллари, суғориш тизими, солиқ миқдори ва турлари, қишлоқ хўжалик тармоқларининг аҳволи билан боғлиқ қимматли маълумотлар келтирилади².

БХСР тарихига оид тадқиқотлар доираси, айниқса, мустақиллик йилларида кенгайиб, ушбу муаммони ёритишга имкон қадар ҳолисона ёндашилди. Тарихчи олимларнинг асл манбаларга таянган ҳолда яратган қатор тадқиқотлари вужудга келди. Бу борада Ф.Қосимов, Б.Эргашев, Қ.Ражабов, У.Рашидов, Л.Муҳаммаджонова, Ш.Ҳайитов, С.Холбоев, Г.Остонова каби муаллифларнинг ишлари³ эътиборга лойиқдир.

1968; Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920-1924 гг.). - Ташкент: Узбекистан, 1970.

² Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920-1924 гг.). - Ташкент: Узбекистан, 1970.

³ Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. - Ташкент, 1993; Қосимов Ф. Драма революции и правда истории (формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). - Бухара, 1996; Ўша муаллиф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. - Бухоро, 1997; Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 й.) // Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). - Бухоро: Бухоро, 1996; Ўша муаллиф. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924). - Бухоро: Бухоро, 2003; Ўша муаллиф. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. - Бухоро, 2008; Муҳаммеджанова Л. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908-1920гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1999. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). - Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. Развертывание освободительного движения в Бухаре // Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Ташкент: Шарқ. 2000. - Б. 522-553; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуролли муҳолифат кураши (1920-1924) // Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-қитоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ, 2000; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Тошкент, 2001; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). - Тошкент: Фан, 2004; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат,

“Ўзбекистоннинг янги тарихи” асарининг биринчи ва иккинчи китобларида XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар ва ҳарбий ҳаракатлар тарихига алоҳида эътибор қаратилди⁴. Таниқли тарихчи олима Р.Ражапова илмий муҳаррирлигида рус тилида тайёрланган коллектив монографияда Бухоронинг 1917-1924 йиллардаги тарихи бўйича энг янги фикрлар ва хулосалар ўз аксини топган⁵.

Ф.Қосимовнинг мустақиллик йилларида яратилган бир қатор китоб ва мақолалари БХСР тарихшунослиги ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олим тадқиқотларида совет даври ва мустақиллик йилларида БХСР тарихига оид яратилган асар ва мақолаларнинг таҳлилини беради.

Б.Эргашев ва Л.Муҳаммаджоновалар ўзларининг тадқиқотларида⁶ ўрганилаётган даврда Бухородаги ижтимоий-сиёсий фикр ривожига, демократик тамойиллар ва озодлик учун курашнинг мафкуравий негизлари ҳақида илмий мушоҳада юритадилар.

БХСРда совет тузумига қарши қуролли ҳаракат ва мафкуравий кураш муаммолари Қ.Ражабовнинг докторлик диссертацияси, махсус монографияси ва тадқиқотлари⁷ асосини ташкил қилади.

У.Рашидовнинг китоб ва мақолаларида асосий эътибор БХСРда ватанварпар кучлар билан қизил армия қисмлари ўртасидаги курашлар масаласига қаратилган.

маданий ҳаёт. - Бухоро: Бухоро, 2005; Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. - Тошкент: Фан, 2008; Астанова Г. Историография политических процессов в Бухаре в 1920-1924 гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 2008.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Илмий муҳаррир Жўраев М. - Тошкент: Шарқ, 2000.

⁵ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости / Научный редактор Раджапова Р. - Ташкент: Шарқ, 2000.

⁶ Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. - Ташкент: Фан, 1990; Ўша муаллиф. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. - Ташкент, 1993; Мухаммеджанова Л. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908-1920гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1999.

⁷ Раджабов К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 2005 (ушбу муаллифнинг БХСР тарихи ва шу даврдаги давлат арбоблари ҳаётини ёритувчи ўнлаб мақолалари “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” турли жилдларига киритилган ва бошқа илмий тўпламларда нашр этилган).

Ш.Ҳайитовнинг ҳамкорликда яратилган китоблари ва мақолаларида БХСРдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт ҳамда муаммо ва қийинчиликлар, айрим ҳукумат раҳбарларининг фаолияти ва тақдири тарихий манбалар асосида очиб берилган.

Мавзунинг мақсади. Мазкур мавзуда мен О.Эшонов тадқиқотларида тарихимизнинг айрим масалаларининг ёритилишига эътибор қаратишни мақсад қилиб олдим.

Битирув-малакавий ишнинг вазифалари. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни белгилаб олдим:

- Профессор Отабой Эшонов ҳаёти ва илмий фаолиятини таҳлил қилиш;
- Тоталитар тузум шароитида О.Эшонов томонидан 1920-1924 йиллар БХСР тарихининг ёритилиши масаласини очиб бериш;
- Олимнинг илмий-назарий, тарихий қарашларининг ўзгариб бориши ва мафкуравий кураш хусусиятларига эътибор қаратиш;
- О.Эшонов томонидан давлат арбоби Файзулла Хўжаев сиймосининг ёритилишини баён этиш.

Битирув-малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур иш кириш, 4 та бўлим, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, жами саҳифани ташкил этади.

1. Профессор Отабой Эшонов ҳаёти ва илмий фаолияти

Отабой Эшонович Эшонов биринчи ўзбек совет юрист олимларидан биридир. У 1916 йил 15 мартда камбағал деҳқон оиласида дунёга келган. Отабой Эшонов 1936 йилда Ўзбекистон ССР советлари Марказий Ижроия комитети ҳузуридаги Совет қурилиши ва ҳуқуқи институтини битириб чиққач, аспирантурада қолдиришди (1936 – 1936 йй.) 1939 – 1943 йилда ассистент, катта ўқитувчи бўлди. 1941 йил Санкт - Петербург юридик институтида кандидатлик диссертациясини ёқлади.

1954 – 1955 йилларда Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедраси мудири бўлди. 1948 – 1950 йилларда ҳуқуқшунослик институти доктори бўлди.

1950 йилда О.Э.Эшоновга Бухоро Халқ Совет Республикасининг Давлат тузилиши ҳақидаги илмий иши учун юридик фанлари доктори унвони берилди.

1951 – 1952 йилларда иқтисод институтида бўлим мудири бўлди. Эшонов 1953 – 1954 йилларда Ўз ССР министрлар

советида маданият ва маориф бўлим мудири бўлиб ишлади. 1955 – 1956 йилларда САГУ нинг Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедраси мудири, сўнг Ўз ССР ФА философия ва ҳуқуқ институтида директор ўринбосари (1958 – 1959 йй.), 1959 – 1961 йилларда директор, 1961 йилда давлат, ҳуқуқ назарияси ва тарихи сектор мудири бўлди.

1960 йил 7 январда олим Ўзбекистон ССР фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига сайланди.

1941 йилда кандидатлик диссертациясини “Бухоро XIX аср 2 ярмида” деган мавзу орқали (докторликни эса 1951 йил “Бухоро Халқ Совет Республикасининг Давлат тузуми” мавзуси орқали) ҳимоя қилиб бўлгандан сўнг, 1951 йил профессор бўлди. Унинг илмий ишлари Бухоро хонлигининг XIX аср охири XX аср бошларидаги ижтимоий – сиёсий тузуми, Бухоро компартиясининг ташкил топиши, Ўзбекистон миллий давлатчилик тарихи ва назарияси масалаларига бағишланган. У давлат, ҳуқуқ назарияси ва тарихи масалалари бўйича ўзбек тилидаги илк дарслик ва қўлланмалар, йирик коллектив асар муаллифларидан ва масъул муҳаррирларидан Файзулла Хўжаевнинг 3 томлик асарларини нашрга тайёрлашда раҳбарлик қилган. Отабой Эшонович Эшонов 35 йил Ўзбекистон олий ўқув юртларида педагогик фаолиятини давом эттирди, ҳамда Ўзбекистон ССР Ф.А.нинг системасида ишлади.

Таниқли юрист олим О.Эшонов кўп йиллик илмий – педагогик фаолияти мобайнида 130 дан ортиқ илмий иш (шулардан 10 таси монографиялар) ни нашр эттирди, 18 та йирик монография тадқиқот асарини таҳрир қилди, республика умумиттифоқ ва халқаро илмий конференцияларда бир неча

бор доклад ва ахборотлари билан чиқди. Юқори малакавий илмий кадрларни тайёрлаш О.Э.Эшоновнинг илмий фаолиятида алоҳида ўринни эгалайди. У 120 дан зиёд кандидатлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш ва ёқлашда бевосита иштирок этди. Катта илмий педагогик фаолият билан бирга, республиканинг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол қатнашди. У бир неча марта Тошкент шаҳар Куйбешев ва октябрь район партия комитети аъзолигига, Тошкент шаҳар Совет депутатлигига, шунингдек ССР фан ва маориф ходимлари касаба союз Марказий комитети аъзолигига сайланди. О.Э.Эшонов Совет ассоциацияси ижроия комитетининг аъзоси, Ўзбекистон бўлимининг эса раиси сифатида сиёсий фанлар ассоциацияси ишида бевосита қатнашди. У Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг “Социалистик давлатнинг тараққиёти, бошқариш ва ҳуқуқ” муаммоси бўйича илмий Совет раиси, фалсафа ва ҳуқуқ институти Илмий Совети ишига раҳбарлик қилди, ўзбекистон ССР Фанлар Академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлими илмий совети раисининг ўринбосари бўлди. Унинг кўп мақолалари ва асарлари Ўзбекистондаги Совет ҳукуматининг тузилиши ва шу мамлакатнинг умумий муаммолари ҳақида эди. У бир неча асарларини БХСР нинг ташкил топишига бағишлади.

- 1) “Создание Бухарской Народной Советской Республики (1955)”;
- 2) “Бухарская Народная Советская Республика” (1969);
- 3) “Укрепления советского государства в Узбекистане в начальный период перехода к восстановлению народного хозяйства” (1957 г).

4) “К вопросу о помощи РСФСР в укреплении советской государственности в Средней Азии” (1960).

5) “Народная советская республика – перекладная форма к социалистической государственности” (1965 г.) ва бошқалар.

О.Эшонов ва Х.С. Сулаймоновлар томонидан совет Давлатининг қурилиши ва Ўзбекистон социализм даврида ҳақидаги I томли (“Совет Давлатининг тарихи ва Ўзбекистон ҳуқуқи”) “История Советского государства и права Узбекистана” асари нашрга тайёрланган. Унинг “История коммунистических организаций Средней Азии” (1967), “История Узбекской ССР,” Т II ва III (1967-1968), «История государства и права СССР» Т II ва II (М, 1968 г) каби асарларида Бухородаги коммунистлар партияси, ягона фронтнинг коммунистлар ва революционерлар томонидан тузилиши, 1924 йил БХСР да социализмга ўтиш йўллари ҳақида гапирилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ф.Хўжаевнинг (1896 - 1938) 3 томли асарини 1970 – 1973 йилларда нашрга тайёрлаган.

О. Эшоновга Ф.Хўжаевнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида очерк ёзган. Ўзбек (ССР да Давлат қурилиши ва ҳуқуқи (1974)) тилидаги редактордир.

1960 йил Гамбургдаги конференцияда (юристлар билан бўлган) қатнашди. Унинг 30 дан ортиқ шогирдлари, талабалари кондидатликни, 3 таси докторликни ҳимоя қилган.

О.Э.Эшоновнинг фаолиятини Совет ҳукумати юқори баҳолади. Унга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. Унинг кўксини “Ҳурмат белгиси” ордени безаб турди. Иккинчи жаҳон урушда қатнашганлиги учун медаллар билан тақдирлашган. (“Иккинчи жаҳон

урушидаги яхши меҳнати учун”, “Ғалабанинг 30 йиллиги билан” ва ҳоказо).

Шунингдек, педагог олим Ўзбекистон ССР олий Совети Президиумининг 3 та Фахрий ёрлиғи билан ҳам мукофотланган⁸.

2. Тоталитар тузум шароитида О.Эшонов томонидан 1920-1924 йиллар БХСР тарихининг ёритилиши

Тарихдан маълумки, мустабид Совет тузumi ва коммунистик режимга, қизил армияга қарши кўп йиллар давомида Туркистон халқлари бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб, ҳаёт мамот жангларини олиб боришди.

⁸ Маълумотлар Ўзбек Совет Энциклопедияси томларидан олинди.

Қарийб 20 йил давом этган бу ҳаракат совет режими даврида нотўғри талқин қилинди ва унга “босмачилик” деб тамға босилди. Аслини олганда бу ҳаракат иштирокчиларининг қаҳрамонлари, улардаги она Ватанга нисбатан бўлган жўшқин меҳр – мухаббат туйғуси бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги ғоясида мужассамлашган эди. Қизил армиянинг босқини натижасида маънавий жиҳатдан Бухоро яксон этилди. Маданий ва моддий бойликлар таланди, асл тарихий қўлёзмалар ёқиб юборилди. Сиёсий жиҳатдан Бухоро ўз мустақиллигини бутунлай йўқотди, эркин дипломатик алоқалар олиб боришдан маҳрум бўлди. Натижада Бухородаги бу қонунсиз воқеалар совет ҳукуматиға қарши янги бир сиёсий – диний курашни битириб чиқарди⁹.

Амир Олимхоннинг вужудға келаётган вазиятдан хавфсираб, туркистон ва бухоро ўртасидаги муносабати музокаралар билан ҳал қилиш мақсадида 1920 апрел май ойларида рефер ташқи ишлар халқ комиссари Г.В. Чичеринаға бир неча мактаб йўллади. Айни пайтда Тошкентдаги Турккомиссия бўшлиғи Ш.Эшова ҳам рефер ташқи ишлар комиссарлигига мурожаат қилиб Бухоро амирлиги масаласини қуролли куч билан ҳал қилишни таклиф этди. 1 КП /б/ МК Сиёсий бюроси ҳам 1920 йил 22 майда Л.М. Карахон таклифини қабул қилди ва маъқуллади.

Демак, Бухоро амирлигида “инқилоб” қизил армиясининг найзасида олиб келинадиган бўлди. Сиёсий бюро йиғилишида бу вазифаларни Бухоро коммунистик партияси билан ҳамкорликда амалға ошириш тўғрисида кўрсатма берилди. Бу

⁹ Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924). - Бухоро: Бухоро, 2003; Ўша муаллиф. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. - Бухоро, 2008;

воқеалардан хабар топган амир Олимхон вазиятни юмшатиш, инвенциянинг олдини олиш мақсадида 1920 йил 8 июнда Мирзо Маъди Хўжабой бошчилигидаги Бухоро элчиларни Москвага жўнатди ва улар Г.В. чичерин билан тинч – тотув яшаш, ички ишларга аралашмаслик, савдосини ривожлантириш масалаларига тааллуқли шартномалар имзолаб қайтдилар. Бизга тарихдан маълумки, М.В.Фрунзе 1920 й 12 августда и гуруҳдан иборат Ҳарбий корпус тузиш тўғрисида буйруқ берган эди. Бу гуруҳларни о.Эшлов ўз асарларида қуйидагилар деб айтади: “Чоржўй, Когон, катта – Қўрғон ва самарқанд гуруҳлари 1920 йил 25 августда Бухоро инқилобини бошқариш тўғрисида партия маркази ташкил этилди. Уларнинг таркибига турккомиссия ва коммунистик партия бош кўмитасининг аъзолари Ҳусуннав ва Ф.Хўжаев тавсия этилган ёш бухороликлар, Бухоро коммунистик партия аъзолари кирди. 28 августда бу марказ халқ халқ ҳаракатларини бошқаришни ўз бўйнига олди. 29 август эрталаб инқилобчилар эски Чоржўйни олишди ва муваққат инқилобий комитет Бешим сардор бошчилигида тузилиб, унга Абдурахим Юсупов, Ҳусан Алиевлар аъзо бўлди. (Ушбу маълумоларни О.Эшонов Марказий Давлат архивидан олган)” Улар Бухорода инқилоб кўтариш учун халққа мурожаат қилдилар. 100 дан ортиқ бек амалдорларни асир олдилар. Бек эса қочиб кетди¹. юқорида биз и гуруҳ тўғрисида гап очган эдик. Уларнинг йўналиши тўғрисида фикр юритсак. Бу йўналишларни О.Эшонов қуйидагича кўрсатган: Самарқанд гуруҳи 29 – 30 августда таркибида 3 Туркистон ўқчи полчи, 1 – Туркистон отлик

¹ Х.Ш.Иноятов. Народы Срeней Азии в Борбе интервентов в нутренней контeволюции” М. 1984 г. Стр 344.

дивизия, алоҳида туркистон отлик бригадаси, инженерлар ротаси ёрдамида Шаҳрисабз Китоб йўналишида ҳаракат қилиб Қашқадарё воҳасида чиқиши, Қарши йўналишидан сўнг Ғузорни эгаллаши керак эди; Катта – қўрғон гуруҳи эса шу кунлари иккинчи интернеционал ковалерия полки билан Хатирчи ва Зиёвуддин шаҳарларини олиши керак эди;

Чоржўй гуруҳи таркибига 4 ўқчи полк, 8 – ўқчи полкнинг Дивизия ва туркманлар отряди ёрдамида 2 август кун эрталаб соат 4 да Чоржўйни эгаллагандан сўнг, “Бухоро - Термиз” ва Амударё чизиғина кузатиб Афғонистон чегарасини назорат қилиши керак эди;

Когон гуруҳи зиммасига асосий вазифа тушди. Унинг таркибига янги Бухоро /Когон/ ва Қарши гарнизони, 4-чи очик полк, 1 – шарқий мусулмонполки ва 7 – ўқчи полк кириб, гуруҳга эски бухоро қалъасини эгаллаш вазифаси юкланган эди. 29 августда 23- брон поезд Когондан 14 км жануб – ғарбдаги манғит қишлоғига келиб тўхтади.

Шу кундан бошлаб Когонга кириш йўллари очик бўлсада, 7 ердан ҳеч ким чиқмас эди¹. Амирнинг эски Бухородаги 8725 милтиқ, 7850 қилич, 23 тўп ва 16 пулёмоти; Қарши, Шҳрисабзда жойлашган 17070 та опалчениячи, 72 пушка ва 2 пулемётга қарши Туркманистон фронтига 500 та милтиқ, 2000 та қилич, 46 та оғир ва енгил тўп, 229 та пулемёт, 10 та бронепоезд, 5 та бронепоезд, 12 та самолёт ва захирада 2429 та милтиқ ва 1855 та қилич, 2 та тўп ва 6 та пулемёт турар эди. 29 август куни соат 9.50 да бронепоезддан туширилган Десант абшар – маҳалла қишлоғини эгаллаб шайх Жалондарвозасига

¹ “Вопросы истории” № 7. 1993 г. Стр 4.

яқинлашди. 31 август куни армия Қарши Дарвозасига келиб тўхтади.

Қарши Дарвозагача келган темир йўлида турган бронепоед шаҳарни шафқатсизлик билан ўққа тутди. Шаҳар ўқ ичида қолди. Қадимий Бухоро ҳам ердан, ҳам ҳаводан бомбардимон қисмина бошланди. Шаҳарнинг тўла вайрон бўлишидан сақлаб қолиш учун Саид Олимхон 31 август куни Мохи Хосса орқали Ғиждувон томонга қараб чекинди. 1 сентябрда ҳаракатлар натижасида Чоржўй, Хоразм, Бурдалик, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Хатирчи, Кармана озод қилинди. Ҳаракатлар 4 кун бўлди. Оғир жангларда қарамасдан 1920 йил 1 сентябрь соат 8.00 да Когон гуруҳи ҳужумга ўтиб, 9.45 Қарши дарвозасидан кирганлиги тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. 2 сентябрда эски Бухорода Тайроқ ўрнатилди². Инқилобнинг ғалабаси натижасида ҳукумат Аҳмаджон Абдусаидов бошчилигидаги Бутун Бухоро революцион комитети қўлига ўтди. “Инқилоб” кунларида фақат амирнинг бойликлари эмас, балки барча амалдорларнинг бойликлари ҳам мусодара этилган. Юқорида айтиб ўтилганидек инқилобий комитет тузилган эди. Унинг таркибига коммунистик партия вакиллари Аминов, Юсупов, Бурхонов, Ибрагимовлар кирган. Инқилобий комитет биринчи халққа мурожаат қилди ва кўплаб ислохотлар ўтказди. Ушбу ислохотларни О.Эшонов қуйидагилар деб кўрсатади:

1) амалдорлар, йирик ер эгаларининг ерларини тортиб олиб, уларни кам ерли ва ерсиз деҳқонларга тақсимлаб берди;

² “Вопросы истории” № 7. 1993 г. Стр 330

2) Деҳқонлик, савдо, ҳунармандларликнинг ривожланиши учун барча солиқлар; хирож, чакат, амлак, аминана бекор қилинди.

3) Халқни маданий жиҳатдан ривожлантириш ва билимли қилиш мақсадида янги усулдаги совет мактаблари очилди. Уларда бепул таълим бўлиб, маош давлат томонидан белгилаб қўйилди;

4) Дин уламолари ва феодалларнинг ҳукмронлигига асосланган эски бошқарув апаратини тузиш мақсадида халқ нозирлар кенгаши тузилди ва барча соҳа бўйича нозирлар тайёрланди;

5) Аввалги қозихоналар бекор қилинди, янги халқ судлари тузилди.

Бухородаги ғалабанинг биринчи кунларидаёқ милиция ташкил этилди¹.

1920 йил 14 сентябрда Мухитдинов бошчилигида бутун Бухоро инқилобий комитети тузилди. Унинг 9 та аъзоси бўлиб, улар ҳам коммунистлар эди. Ф.Хўжаев эса Халқ нозирлар советининг раиси этиб тайинланди.

Ревкам томонидан 1 бутун Бухоро съездини тайёрлаш комиссияси тузилди.

17 сентябрда съездни чақириш комиссиянинг I – мажлиси бўлди. Комиссия ўз ишини сентябр ўрталарида бошлади.

1920 йил октябрда советларнинг чиқишлари тўғрисида нутқ сўзланди. (Бу нутқ О.Эшонов асарларида бор);

1) Бухоро инқилоби ва унинг шарқдаги озодлик ҳаракатини равожлантириш роли.

¹ О.Эшонов ушбу маълумотни Ўз ССР Марказий Давлат архиви ф 48, 1 оп, д 64, л 1-3 дан олган.

2) Халқаро вазият ва Россия билан алоқаларни ўрнатиш тўғрисида; ҳамда Бухоронинг тизими тўғрисида;

3) Инқилобий ҳукуматнинг вазифалари тўғрисида; Марказий комиссиянинг Бухоро советларининг 1-съезди делегатларини сайлаш тўғрисидаги қўлланмасида ҳам бу муҳим сисий компанияда эски амир амалдорларини йирик ер эгаларини савдогар ва реакцион мусулмонларнинг қуйилмаслиги ҳақида эди. Жойларга марказий сайлов комиссиясининг вакиллари берган жами республика бўйлаб 1950 та делегация берган. (сайланган). Шулардан 180 таси Бухородан, 270 таси Чоржўйдан, 174 таси карманадан, 141 таси Хатичидан, 163 таси Зиёвуддиндан, 120 та Қаршидан, 142 Шохрисабздан, 95 таси Ҳисордан, 67 та Қорукўл, 62 та Конимех, 75 та Ғиждувон, 62 таси Вобкент, 69 та Китобдан, 47 та Чироқчидан, 47 та Боҳовуддиндан, 47 та Яккабоғдан, 41 та Нуротадан, 34 та Харгўшдан, 35 та Фармаст, 30 та Азизободдан, 30 та Шофиркондан делегатлар келди. 1920 йил 6 октябрда Бухорода амирнинг ёзги саройи Ситораи Мохи Хосада 1-улсум Бухоро Халқ вакилларининг қурултойи ўз ишини бошлади ва 1950 та делегат қатнашди¹.

Халқ вакилларининг бу қурултойи Бухорони Халқ Совет Республикаси деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди².

Совет Россияси янги тузилган ГХСР га ҳар томонлама ёрдам бера бошлади. Бухородаги регистон мустақиллик майдонига алмаштирилди. 1920 йил 19 ноябрда Тошкентдан Москвага БХСР номидан Мансуров бошчилигида элчиларк еладилар. 1920 йил 11 октябрдан – 1921 ўрталарига РФСР

¹ Эшонов ушбу маълумотни Б.Ғафуров ва н.к. Проховараларнинг “Падение Бухарского эмирата” Таджик издат, 1940 й. Стр 5-дом олган.

² “Ўзбекистон янги тарихи” Т. 2000 й. 233-бет.

хукумати БХСР га қайтарилмаслик билан 4 млрд рубль ёрдам берди.

1921 йил 13 февралда қизил аскарлар Бойсунда амирнинг 2000 лик армияни яксон қилдилар ва Бенов, Юрчи, Сарлосиё, Сарижўй, Регарни озод қилдилар.

1921 йил 2 февраль “Ер тўғрисида” ги Декрет қабул қилинади, яъни Давлат мулки деб амирнинг миллийлаштирган ерлари деҳқонларга бўлиб берилиши кера кэди. Бундай ишларга энг камбағал деҳқонларни жалб қилиш зарур эди.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида вақфлар асосий ўрин эгаллаган. 1921 йил 1 августда (Э.Эшонов ушбу маъмуриятларни архивдан олган) 2008 та вақф мулки рўйхатдан ўтказилиб, булардан 208 таси мачитга, 215 таси мадрасага тегишли бўлган. Вақф мулклари 3000 таноб (750 десятино) ер, 57 та корвонсорой, 1414 та дўкони, 23 бозор жойи, 10 та хаммом, 18 та тегирмон ва 133 та турар жой (кутро) дан иборат бўлиб, улардан йилига 1 млн рубльгача фойда келган.

Меҳнаткашлар орасида ижтимоий таянчга эга бўлган сўл кўммунистлар энг кикик гуруҳ эди. Уларнинг таркибида 60 киши бор эди. Уларнинг 30 таси эски бухородан, 14 таси Чоржўйдан, 10 таси Керкидан, 6 таси Термиздан эди. Бухорода инқилобнинг ривожланишида бутун республиканинг партияларидан 150 делегат қатнашган. 1921 йил 15 – 20 декабрдаги Бухоро коммунистик партиясининг 2 – съезди бўлди. Сўлларнинг 1 – съезди мағлубиятга учрашганликлари сабабли ўнглارга БХСР советларининг 2 – қурултойида марказ томонидан кучли зарба берилди. Марказ вакиллардан 125 делегат бор эди. Ф.Хўжаев томонидан бошқариладиган марказ

гуруҳи нисбатан демократик ва социалистик Россия тарафдорлари эди¹⁰.

1921 йил 23 сентябрда БХСР нинг Конституцияси қабул қилинди ва бу ҳокимиятнинг янада мустаҳкамланишига олиб келди. БХСР тузилгач, бу шаҳарлар ва Россия федерациясига қарашли ҳамма собиқ поселениялари ва чоризм даврида Бухоро амирлигида қурилган корхоналарни Бухоро ҳукуматига топширди. Булар 1921 йил 4 мартда тузилган Истифок шартномасида ва иқтисодий битимда ўз аксини топди. Шартнома 17 моддадан иборат бўлиб, 1921 йил 1 апрелда ратификация қилинди. Шартномага асосан “Савдо муносабатлари ўрнатиш” га келишиб олинди. Аммо бу иш ниҳоятда суст олиб борилди.

1921 йил 11 мартда Давлат тили турк тили деб эълон қилинди. Республикадаги рус хизматчилари учун рус тилида гапиришга рухсат берилди, деб кўрсатилган эди¹. Бухоро Республикасида 1921 21 ноябрда Давлат театрининг тузилганлиги ва унга раҳбарлик қилиш учун Тошкентдан машҳур режиссёр Маннон Ўтқур таклиф этилганлиги ҳақида қарор қилдилар. Лекин бу амалга ошмади. Гузарда 1921 йил 22 ноябрда Мухторзорда мактаби қошида катталар учун кечки курслар очилди.

1921 йил августда бўлиб ўтган БХСР советларнинг 1 съезди 1921 йилги “Иқтисодий битим”ни қайтадан кўриб чиқиш ва битимга янгиликлар киритилиши лозим бўлган ўз лойиҳасини ишлаб чиқди. Фақат 1922 йилнинг бошларида Бухоронинг ташқи савдосида озгина силжитиш бўлди. 1922 йил

¹⁰ Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924). - Бухоро: Бухоро, 2003; Ўша муаллиф. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. - Бухоро, 2008;

¹ “История БХСР” Сборник документов (1920-24) Изд. “Фан”. Т.1976 г. 422 стр.

мартда Бухородан Қоракўл (135000 дона) чиқарилиб, улар Москвада сотилди.

БХСРнинг асосий қонунларидан бири Республика аҳолисининг тенг ҳуқуқли деб эълон қилиниши эди. 1922 йил меҳнат иттифоқи тузилди ва у иттифоқ нозирлар кенгашининг доимий аъзосига айланди.

1922 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигига ҳам эътибор кучаяди. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида бир нечта қонунлар ҳам қабул қилдилар. Қишлоқ хўжалиги нозирлари томонидан булар амалга оширилган.

Биз юқорида БХСР тузуми тўғрисида фикр юритдик. Энди амир олимхоннинг тақдири ҳақида қисқача гапирсак. Саид Олимхон 1920 сентябрда тахтдан ағдарилгандан кейин, у 30 – йилларнинг бошларигача қаршилик ҳаракатини давом этди. Олимхон ва унинг сарбозлари Душанбир кун тўхтаб, 14 сентябрда Қўрғонтепага жўнаб кетди “Ҳамма ерда амир Бухорони большевиклардан қайтариб олиш ва ўз ҳокимиятини қайта тиклаш ниятида сарбозлар тўплади”, - дейди О.Эшонов. Аммо у армиясини қуроллантириш ва уни таъминлаш учун катта миқдорда маблағ керак эканлигини билар эди. Хазина қизиллар томонидан олинган эди. Амир ахтиёрида фақатгина отаси аҳадхон тириклигида лондон банкида қолдирган 20 млн сўм пулнинг чеки қолган эди холос. Англия 1920 йилдан бошлаб Машҳад ва Қошғар орқали амирга қурол – аслоҳа ва бошқа анжомлар билан ёрдам беришга ваъдалашди¹. 1920 йилнинг ноябрига келиб амир кўшинлари Шарқий Бухоронинг катта шаҳарлари бўлмиш Бойсун, Кўлоб ва Фарм вилоятларида

¹ А.Х. Бабаходжаев “провал анг политикаси в средней Азии и на среднем Востока (1918-1924)” М.1962 г. Стр 85.

мустаҳкамлашди. Саид Олимхон ҳам Шарқий Бухорода тўлиқ ўрнашиб улгурмасданоқ Туркфронт қўмондони Бухоро – Самарқанд жангчилар группасига 4 сентябр куни фармойиш берилган эди. О.Эшонов ушбу фармойиш тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди:

- Қисқа вақт ичида амирни тор – мор қилиб, Шарқий Бухоронинг муҳим пунктлари – Шеробод ва Бойсунда совет ҳокимияти ўрнатилсин².

Амирнинг илтимосига кўра бу вақтда Англия ҳукумати 3 – 4 карвон милтиқ патрон юборди. Шарқий Бухорода янги сафарбарлик ўтказилиб Иброҳимбек, Фузайл Маҳсум, Давлат мандбий ва Эшон Султон қўшинлари кучайтирилди³.

1921 йил март – апрель ойларида бошлаб омонат тузум бирин – кетин ўз ўрнини қаршилик ҳаракати иштирокчилари ихтиёрига топшира бошлади. Фикрларимизнинг давоми сифатида “миллий идтиҳод” ташкилотининг 1921 йил мартдаги йиғилишида Ф.Хўжаев сўзларини келтирамиз:

- Бир тан ва бир жон бўлиб асосий йўлни Бухорони мустақил ва озод қилишга бағишлашимиз шарт.

1920 йилнинг охири – 1921 йиллардаги курашлар натижасида қаршилик ҳаракати кучари эски Бухородан ташқари барча ҳудудларда ўз назоратларини ўрнатдилар. Қаршилик ҳаракатининг сафарлари кенгайган сайин қизил армия полкларини аҳволи оғирлаша бошлади ва 1921 йил сентябрь – октябрь ойларида улар фақат Душанбе шаҳри ва унинг атрофларига эгалик қилардилар, холос⁴.

² М.Иркаев “Ист грапед войны в Тадж. Душанбе” 1977 г. 211 ст.

³ Ўша ерда 210 бет.

⁴ А.Ишанов “Бухарская Народная Советская Республика” Т. 1969 г. 233 стр.

1921 йил 12 августда А.Пўлатхўжаев Белжуновга Давлат мандбий ҳузурига келди. Қўрбоши уни жуда илиқ қабул қилиб олди. Бу учрашувда Дорвоз, Қоратегин, Ҳисор ва Қўлобдан ҳам энг обрўли вакиллар иштирок этди. Музокаралардан сўнг қаршилик ҳаракати раҳбари ва шўро ҳукумати вакиллари иштирокида шартнома имзоланди.

Шартнома 8 баланд (матндан иборат бўлиб, унда қизил армияни Шарқий Бухородан олиб чиқиб кетиш, алоҳида бўлимларни тугатиш, ҳукумат таркиби ва вилоятининг раҳбариятига фақат Бухоронинг билимли ва обрўли кишиларини қўйиш каби шарти бор эди). Шартнома кўрбошилар талаб этган бандлар асосида имзоланди.

Бухорода шундай тенгсиз давом этаётган кунларда (жанг) шарқий Бухоро ҳудудида Анвар Пошшо пайдо бўлди. У 1921 йил 18 ноябрда бир неча кишилик турк зебитларидан иборат гуруҳ билан Шарқий Бухорога қараб йўлга чиқди. Унинг 80 кишилик гуруҳи ноябрнинг ўрталарида Лакайга кириб келди. Айни шу кунларда Иброҳимбек катта кенгаш чақирган эди. Анвар Пошшо Иброҳимбек ҳамхонасида туриб ўз яқинлари ёрдамида Афғонистон амири ва олимхонга бўлган воқеани сўзлаб берди. Анвар Пошшо декабрнинг охирларида тутқунликдан озод этилди.

Шарқий Бухорода барча қаршилик ҳаракати гуруҳларини деярли бирлаштирди. Унинг ютуқларини кўрган Саид Олимхон 1922 йилнинг 28 мартада Анвар Пошшо Бухородаги барча қўшинларнинг бош қўмондони деган мактуб юборди. Шу тариқа Анвар Пошшо ва тенгсиз курашларга шўнғиб

кетди¹. 1922 йилнинг май –июнь ойларига келиб қаршилик ҳаракати кучларининг ютуқлари туфайли бутун Ўрта осиеда “босмачилик” ҳаракати қайта жонланиб кетди. Лекин шўро ҳукумати бунга чидай олмади. Москва ва Туркистон fronti Бухорога 1922 йил апрелдан катта ҳарбий куч ташлади. Асосий диққат Анвар Пошшонитор – мор этишга қаратилди. Май ойида РКП/б М.К. “Туркистон ва Бухоро ишлари тўғрисида” махсус қарор қабул қилиб, “Анвар пошшони инглизларнинг жосуси, Шарқ халқларининг душмани” сифатида кенг тарғибот қилишга келишилди.

Анвар пошшонинг Ўтмиши бутун Ўрта Осиёда миллий озодлик кураши ҳисобланмиш кураши ҳисобланмиш – қаршилик ҳаракати ривожига салбий таъсир кўрсатди. Озодлик ҳаракати иштирокчилари орасида қарама – қаршиликлар ва парокандаликлар вужудга келди. Бу қаршилик ҳаракатининг биринчи даври эди. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг 2 – даври август- сентябрдан қайта алангаланиб кетди. Мухожирликда яшаётган амир Олимхон вақтинчалик қўмондонликни ўз қўлига олиб антисовет кучларни қайта куруллантериш мақсадида муҳаммад Тағибек Англиянинг Машҳаддаги бош консулига жўнатди ва 18 моддан иборат советларга қарши қаратилган шартнома имзолаб қайтди. 1922 йил августда Саид Олимхон қабулда Бухоро Республикаси ҳудудида омон қолган энг йирик қўрбошилар ҳамда Туркистон ва Хива Қаршилик ҳаракатининг вакиллари иштирокида курултой ўтказди. Йиғилиш бир овоздан Олимхоннинг таклифи билан хўжа Салимни (Салим пошшо) Ўрта осиедаги барча қаршилик ҳаракати қўшинларининг ош қўмондони этиб

¹ Бухоро тарих саҳифалари. - Б. 1999й. 211 бет.

тайинланди. Қурултойда 1923 – баҳоридан аввал Бухорода, кейин эса бутун Ўрта Осиёда шўро ҳукуматига қарши ялпи ҳужумга ўтишга ҳам қарор қилинди. Дарвоз ва Қоратегинда шўро ҳукумати тугатилгандан кейин 1922 йил ноябрда Салим Пошшо Кўлоб вилояти томонига қарши юрди ва Мўъминободда барча шарқий Бухоро кўрбошининг йиғилишини ўтказди.

1923 йил 1 январда Бухоро Республикаси ҳудудида 25 та қаршилик ҳаракати отряди мавжуд эди. Умуман Бухоро Республикаси ҳудудида қаршилик ҳаракати жангчиларнинг сони 1922йил кузида 2945 киши бўлиб, 1923 йил ўрталарида уларнинг сони 5030 кишига етди¹.

Янги тўлдирилган кучлар ёрдамида қизиллар 1923 йилнинг февраль ўрталарида салим Пошшонинг отрядларига қарши ҳужумга ўтди ва қарши вилоятида зарба берди. Салим ярадор бўлиб, Деновга чекинди. 1923 йилнинг март ойи бошларида Туркманистони кучайтиришга қарор қилинди. 1923 йил 17 мартда П.А.Павлов Самарқанд шаҳрида 13 – ўқчи корпусининг командалирини йиғилишга тўплаб бухоро Республикаси ҳудудини “босмачилардан” тозалашни тезлаштириш мақсадида буйруқ беради. Бу даврда иброҳимбек ҳам жангларда тайёргарлик кўриб 15000 жангчи тўплади.

Бухоро Республикасининг озодлиги учун кураш айти қизиган қаршилик ҳаракатининг иккинчи даврида йирик кўрбошилар вужудга келди. Айниқса 1923 йил май ойининг охирларида Салим Пошшо билан Иброҳимбек Ўртасида бош кўмондонлик масаласидаги келишмовчилик кучларининг ягона фронтга бирлаштиришга ҳалақит берди.

¹ А.Ишанов “Бухарская Народная Советская Республика” Т. 1969 г. 530 стр

Ана шу даврда Турккомиссия ва Бухоро Республикаси МИК “Ғарбий Бухорода жазо сиёсатини кучайтириш тўғрисида қарор” қабул қилди. Ушбу кўрсатилган кўрсатмадан сўнг республика ҳарбий трибунаси Баҳовуддин, Ғиждувон, Вағонзо туманларида иш кўриб 1923 йил ёз ойлари давомида 161 кишини босмачилигига алоқадор деб қамоққа олишди. 117 киши жазолади, 8 киши отиб ўлдирилди. Мулло Абдуқаҳҳор бегуноҳ халқини турли қийноқ ва танловлардан қутқариш мақсадида Ғарбий Бухорони тарк этиб, 1923 йил охирларида Қизилқумдаги Варажон қудуғи атрофида чекинди. Аммо қизиллар террори тўхтамади. Июль ойида қизил армия зарбани Салим Пошшога қаратди. У кетма – кет мағлубиятга учради. 15 июль куни Хонабод (Хирмонжой) яқинидан Амударён кечиб ўтди¹.

1923 йил августда қизиллар замонавий қурооллар ва енгил тўпланган кучлар билан қайта тўлдирилганлигидан фойдаланиб ҳужумга ўтди. Улар бир кунлик қонли жангдан кейин Ғармни ишғол этди.

Фузайл Мақсум эса озгина йигитлари билан Афғонистон ҳудудида ўтиб кетди. Кзда шўро ҳукумати БКП халқ ҳаракатини пасайтириш, маҳаллий ҳокимиятларни кучайтириш соҳасида бир қатор чоралар кўрилган (бундан олдин бундай чоралар кўрилмаган эди). Ҳарбий ва маъмурий чора – тадбирлар натижасида 1923 йил охирида Шарқий Бухорода қаршилик кўрсатиш ҳаракати анча заифлашади. 1923 йил охири – 1924 йил бошларида яна Иброҳимбек Шарқий Бухорода сафарбарлик эълон қилиб Хисор ва Лоқай аҳолисидан 2500 кишилик қўшин ташкил этди. Аммо 1924 йил январнинг

¹ У.Рашидов “Бухоро Халқ Республикаси 1920- 1924 йиллар” -Б. 2003. 45-46 бетлар.

бошларида яна ҳисорга чекинди. 14 февралда шўро армияси Иброҳимбека яна ҳужум қилди. Аммо уни қўлга олиш имконияти бўлмади. У яна тоғларга яшинди. Шўро давлати Ўрта Осиёда, айниқса бухорода омманинг қаршилик ҳаракатини бутунлай бостириш мақсадида ўзининг барча имкониятларини ишга солди.

Ўрта аср феодал қонунлари асосида ўз тараққиётидан анча орқада қолган, аммо жуда бой амирлик 1920 – 1924 йилларда шўролаштирилиб социалистик қонунларга бўйсиндирилди.

3. Олимнинг илмий-назарий, тарихий қарашларининг ўзгариб бориши ва мафкуравий кураш

Ҳар бир даврга нисбатан турлича баҳо берилади. Ўша Даврни ёмон деб бўлмайди, чунки ўша вазият шундай бўлишини тақозо этган бўлиги мумкин. Мен бу билан атмоқчиманки, О.Эшонов вақт ўтиши билан ўз хатоларини тушунди. Ўша давр воқеаларига, бошқача, яъни нотўғри ёндошганини англади. 1960 – 1970 йилларга келиб унинг асарларидаги воқеаларни ёритиш тарихи бошқача тус олди.

“50 лет Бухарской Народной Советской Революции” китобида О.Эшоновнинг бир мақоласи чоп этилган. Қуйида шу ҳақида фикр юритсак.

- КПСС Марказий комитетининг Беш секретари Бретнев 1962 йил 20 ноябрида Ўзб. Компартиясининг МК ва Ўзбекистон ССР олий Советининг Ўзб. Компартияси, Ўз ССР нинг 40 йиллик тўйига бағишлаган тантанали мажлисида бундай деган эди:

- Биз Икромов, Охунбобоев, Морозов, Хўжаев ўртоқларнинг хотирасини ва коммунистик партиясининг бутун куч ҳамда ҳаётларини Ўзбекистон бахтлари йўлида фидо қилган бошқа шонли фарзандлари хотирасида ғоят ҳурмат ила эсга оламиз.

Бундан олдинги О.Эшонов асарларида Ф.Хўжаев ва БХСР ҳақида узук – юлуқ ва унга кўп бўлмаган маълумотлар ўзбек халқига тўла тасаввур бера олмасди, бунинг устига уларнинг баъзиларида хато фикрлар учрагани юқорида айтиб ўтган эдик.

Булар ҳақидаги очерклар тарихий ҳақиқатга тўла мос келиши учун Москва ва Тошкент шаҳарларидаги бой архив

фондлари пухта анализ қилиб чиқилди. Ф. Хўжаев ҳақида гапирганганда, уни қоралашдан бошқа у ёғига ўтилмас эди. Унинг барча қилинган ишларини нотўғри талқин қилардилар.

Бундан ташқари БХСР даги барча бўлган воқеалар ҳам тесқари ёзилган. У ердаги қаршилик ҳаракатини “бомачилик” деб талқин қилиш бунинг яққол мисолидир. О.Эшонов “Халқ инқилоби Бухорода (1920) деган мақоласида” қуйидаги фикрларини баён этган эди.

- Бухоро амирлиги деспотик давлат эди. Унинг 3 млн аҳолисидан фақат 300 000 таси шаҳарда истиқомат қиларди.

Ўзбеклар 50 % , топиклар 30 %, туркманлар 10% ва бошқа халқлар қишлоқда яшаб деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Капиталистик муносабатларда ҳам мамлакат ривожланмаган эди. Инқилобдан олдин бу ерда 52 та кичик маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарбор эди. Меҳнаткашлар учун солиқ тўлаш энг оғир вазият эди. Ер солиғи деҳқонларнинг ҳосилини 40 % ини ташкил этар эди. Бухоро амирлигида халқ ниҳоятда камбағал яшар эди. 1917 февралдаги инқилоб Бухоро халқини жонлашишига олиб келди. Катта ўзгаришлар ёш бухороликлар партиясида ҳам рўй берди. Ёш бухороликлар орасида ревалюцион – демократик характерга эга бўлган гуруҳ ташкил топди. Сўл қанотига Ф.Хўжаев бошчилик қилди. 1917 йил Ф. Хўжаев Тошкентга боради. Совет Туркистондан Бухоро амирига ёш бухороликларга ҳокимиятни топшириш тўғрисида манифист юборишни сўрайди. Аммо 1918 йил март воқеаларидан сўнг, Ф.хўжаев тинч йўл орқали Бухоро амири билан келишиб бўлмаслигини тушунади. У Бухоро амири томонидан ўлимга маҳкум қилингандан сўнг, Тошкентга боради. Октябрда (1918 й) Москвага боради. 1 1919 йил 29

январда Я.М. Свердловга хат ёзади. Хатнинг мазмуни Эшонов мақоласидан жой олган. Унда

- Ёш бухороликларнинг MS Бизни Москвага юборди. Марказий Совет ҳукуматидан Бухородаги аҳвол ҳақида хабар бермоқчилишимиз ва улардан партия ўз ишини давом эттириш учун ёрдам беришингизни сўраймиз..., - деб ёзилган эди¹¹. Бухоро амирлигидаги инқилоб ҳаракатга келиши учун ёш бухороликлар жалб қилинди.

Уни Собиржон Юсупов бошқаради. (Ушбу маълумотни Эшонов собиқ ССР ЦГАОР сидан олган) Ёш бухороликлар комитети кўчаларда дараклар, брошюралар ёпиштирдилар. У амирнинг халққа қарши эканлиги ҳақида эди. 1918 йил 16 ноябрда ёш бухороликлар билан Москвада мажлис бўлади. О.Эшонов бу мажлисда қабул қилинган дастур ҳақида ва унда Ф.Хўжаев қатнашганлиги тўғрисида ҳам гапирган:

Унинг дастурини қуйидагича изоҳлайди.

1) Солиқлар амирликда халқни оғир аҳволга солиб қўйди, бундай ҳолатни йўқотиш учун халқ амирга қарши кураши отланиши;

2) бундай курашларда ёш бухороликлар турклардан ва инглизлардан ёрдам сўрамаслиги;

3) Фақат Россия бошқарадиган инқилоб Бухорони кулликдан озод қилиши.

4) Ёш бухороликлар амирга қарши ҳаракатларида фақат Россиядан ёрдам олишлари керак эди.

Ёш бухороликлар хиндларга, форсларга, афгонларга, туркларга, мусулмонларга мурожаат билан чиқди.

¹¹ Ишанов А. «Победа Народной Советской революция в Бухаре» -Издательство А Н , Уз ССР, -Т. 1958г.

1920 йил 5 апрелда Ф.Хўжаевнинг “Учқун” номли 1 – газетаси чиқади. У Тошкентда нашр этилиб, Бухорода ҳам тарқатилар эди. Унда кўп сўзлар ёзилган эди, “Учқун” халқ орасида катта муваффақиятга учрайди. 1920 йил 29 июлда Оргбуоро РКП (б) МҚ ёш бухороликларга ёрдам бериш тўғрисидаги саволни муҳокама қилдилар ва инқилобий курашда қўшинларни лозим топадилар.

Халқ фронтининг ташкил топишда (1918 йил) Бухоро Коммунистик партиясининг роли катта эди. Унинг аъзолари О.Эшонов қуйидагилар деб айтган эди: Азимжон Якубов, Абдуллохўжа Тўраев, Эргаш Мусаев, Натиб Хусан ва бошқалар эдилар.

- 1920 йил ёзда амирликда яшовчи меҳнаткашлар, ишчилар, деҳқонлар ҳунармандлар, феодалеспотик тузумини ағдаришга тайёр бўлиб турадилар деб кўрсатилган эди ушбу манолада.

Бухорода инқилобий кризис етишиб чиқади. Бу ҳақида бухоролик деҳқонларнинг 1500 таси БКП Мн га ёзган хатлари маълумот беради. Улар Қизил армия билан кўшилиб ҳаракат қилишга тайёр эканликларини ёзган эдилар¹².

Бухородаги инқилобни ривожланиши ҳақида амирга 22 июлда Чоржўй беки хабар беради. Ҳамма туркманлар бўй синмаслик йўлига ўтадилар. Бу ҳаракатларни бек тўхтатиш кчига эга эмас эди. Бундай ҳаракатлар амирга қарши эканлигидан далолат беради. Бухородаги жадиличилик Туркистон ўлкаси ваҳий ва жадиличилиги билан деярли бир вақтда майда бўлса ҳам, лекин амирликдаги оғир вазият унинг тараққиятини тезлаштирди. Ёш бухороликлар партиясининг

¹² Ўша жойда.

етакчиси Ф.Хўжаевнинг сайланганлиги ҳаммага маълум. Унинг ҳовлисида ёш бухороликларнинг кенгашлари бўлиб турган 50 дан ортиқ фаоллар таклиф этилган. 1920 йил 7 июлда бу ташкилот Чоржўйда ечилади.

Ёш бухороликларнинг расмий вакиллари Фитрат ва Усмонхўжа Пошшоҳўжаевнинг Оренбургга етиб борганда жадидлар билан амир ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш учун Петрограждан махсус комиссия йўлга чиққанлигини эшитадилар. Шундай кейин улар орқага қайтадилар. Ёш бухороликлар амирлик ҳудудидан дарҳол чиқиб кетишга мажбур бўлишди ва Туркистон Республикасидан сиёсий бошпана сўрашди. Совет Туркистон раҳбарлари ёш бухоролик жадидларга нохуш муносабатга бўлишади. Большевиклар ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришдан фойдаландилар. Улар ҳам тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевикларга яқинлашишади. Ёш бухороликларнинг фикришича шариат адолатни талқин қилувчи ва камбағалларни ҳимоя этувчидир. Дастурда амирликни қурол кучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорони халқ демократик жумҳурияти деб эълон қилиш талаб қилинган эди. 1921 йил 18 сентябрда 648 делегантдан иборат мажлис бўлди. Бу мажлисда Ф.Хўжаев гуруҳи ғалаба қозонди. Шу пайт Бухоро тарихида янги шахс пайдо бўлди. (Анвар пошшо) О.Эшонов ушбу шахс ҳақида қуйидагиларни баён этган.

- Анвар пошшонинг совет пьессияси билан ҳамкорлик қилган даври (1920 йил ёзидан 1921 йил сентябргача). Унинг таржимаи ҳолидаги энг қоронғи ва чалкаш саҳифаларни ташкил қилади.

Адолат юзасидан айтганда Анвар пошшо ҳақида хорижда ва ўзимизда ёзилган китобларимизда бир – бирига зид фикрлар қарама – қарши баҳо ва талқинлар мавжуд. Бу асарларда ҳақиқат билан уйдирма шунчалик қоришиб кетганки, уларни бир – биридан ажратиш тарихчидан мушкул вазифа ва машаққатли меҳнатни талаб қилади¹³.

Анвар пошшо 1918 йил октябрда Бухоро шаҳрига келганда, унинг олдида 2 та йўл турар эди. Бухородаги истиқлолчилар қаторига ўтиб бу ҳаракатни бошқариш, яъни совет режимига ошқора қарши чиқиш, ёки Афғонистонда яширин равишда ўтиб кетиш. Тўғри учинчи йўл ҳам йўқ эмас эди. У Москвага қайтиб кетиши эди. Анвар пошшо бу муқаддас шаҳарда Бухоро ҳукуматининг бошлиғи Ф.Хўжаев ва бошқа давлат арбоблари билан бир неча марта учрашди. Туркистондаги сиёсий жараёнларни фаол қатнашчиларидан бири асли Бошқирдистонлик Аҳмад Заки Валедий Тўғон ўзининг хотиралар китобида Анвар пошшо билан Бухорода бўлиб ўтган учрашувларни батафсил тасвирлайди. Анвар пошшо Бухородан жўнаб кетар экан, Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига қўшилишини Валедийга очик тарзда айтди ва унинг айрим маслаҳатларини қабул қилди. Валедийнинг эътирофича унинг бу мамлакатнинг Россия қуллигидан қутқаришга жонинини фидо қилишга қарори қатъийлиги кўриниб турарди. Ҳақиқатдан ҳам Анвар пошо ўша даврдаги мураккаб бир тарифий шароитда Туркистон аскарлари учун бағоят зарур шахс эди. 1922 йил 15 июлда қаршилиқ ҳаракатининг асосий қисмларига зарба берилади. Бухородаги инқилобнинг 50 йиллигига бағишланган

¹³ Ўша жойда.

конференциясига Ўзбекистон компартияси марказий ва республика министерлар совети 1967 йил 28 февралда “Ф.Хўжаев хотирасини абадийлаштириш” (“Правда Востока” 1967 йил 1 апрел) ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўрсатган қаҳрамонликлари учун медал билан тақдирланди.

Ф.Хўжаевнинг “Тиклангана асарлари” ни нашр этиш зарур эканлиги таъкидланди. У миннатдор авлодар шундай ёрқин сиймо бўлиб қолажак. Рус олимлари 1920 йил амир ҳукумати қулагандан кейингги давлат тузумини ва БХСР нинг ижтимоий сиёсий тузумини илмий ишлаб олиб борганлар¹. Шунини айтиб ўтиш керакки РСФСР билан БХСР нинг ҳуқуқий муносабатлари четда қолмаган.

Маълумки, 1920 йилларда Ф.Хўжаев ва Турар Ризқулов каби давлат арбоблари ўз асарларида ушбу ҳаракат мавзусини тарихий ҳақиқатга мос равишда юритишга нисбатан яқинлашган эдилар.

Бироқ совет тарихчилари А.Салавейчик Ф.Элютко, А.Звельёв, А.Бабахожаев, М.Эркаев, А.Эшонов, Ҳ.Инаятов каби тадқиқотчиларнинг китобларида халқимизнинг Бухородаги истиқлол жанглари, босмачилик ҳаракати тарзида талқин қилади. Совет мафкураси ва таталитар режими ҳукмронлиги шароитида бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Буни ҳамма яхши тушунар эди. Аммо вақт ўтиб, ҳаммаст ўз измига тушди.

Асарлардаги воқеалар ривожини ўзгача ёритила бошланди.

¹ А.Ишанов. “Победа. Нар.Сав. рес. Бух” Т. 1957 г. 48 стр.

4. О.Эшонов томонидан давлат арбоби Файзулла Хўжаев сиймосининг ёритилиши

Ҳар бир давлат, ҳар бир халқ тарихида шундай мўътабар зотлар бўладикки, уларнинг номи авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолади. Бундай кишиларнинг халқ бахт – саодати йўлида олиб борган фидокорона кураши беқиёс ва катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқининг шонли фарзанди синалган Ф.Хўжаев шарқдаги биринчи БХСР раҳбарларидан эди. Ф.Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган

очерк биринчи марта О.Эшонов томонидан яратилди. Шу машхур очеркни Ф.Хўжаевнинг бой ижодий мероси 200 га яқин доклад ва мақолалар, 30 дан ортиқ китоб ва брошюралар ҳам катта ёрдам берадики, унда Ф.Хўжаев ҳаётига оид барча воқеалар, ҳодисалар ўз ифодасини топган. Қуйида шулар ҳақида О.Эшонов нималар ёзганлигини кўриб ўтамиз.

Ф.Хўжаев 1896 йилда Бухорода йирик савдогарлар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Убайдулло Қосимхўжаев Москвада ўзининг хусусий савдо маҳкамасига эга бўлиб, россиянинг ўзида ҳам хорижий бозорларда қоракўл тери билан кенг миқёсда савдо сотиқ юргизар эди. Бироқ Ф.Хўжаев 16 ёшга тўлмасданок отаси оламдан ўтди. Отанинг ўзига меросхўр тарбиялаш нияти ҳали у ҳаётлигидаёқ Файзулланинг камбағал деҳқон оиласидан чиққан онаси қаршилигига дуч келди¹⁴.

Эркинлигидаги бойлик меҳнаткашга қайтадиган бу оддий аёл фиркларини бир бурда нонга зор ҳамқишлоқларнинг қашшоқлик исканжасида чекаётган азобларидан четга чалғитолмасди.

Файзулла Хўжаев аввал мусулмон мактабига қатнашди, кейин 2 йил Бухородаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрди. 1907 йил уни отаси Москвага олиб кетди ва у махсус ёлланган рус ўқитувчиларидан қайтгач, кўпгина фарқликларни сезади, амирлик остида фарёд чекаётган ҳақ – ҳуқуқсиз хўрланган меҳнат аҳли ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини айниқса чуқур ҳис этди. У кўп ўтмай (1913 йил) жаидлар ҳаракатига қўшилди. Ёш Файзулла хўжаевнинг ғоялар

¹⁴ Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924). - Бухоро: Бухоро, 2003; Ўша муаллиф. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. - Бухоро, 2008;

шаклланишида маърифатпарварлардан бири Абдувоҳид Бурхоновнинг (Ёш бухороликлар партиясининг раҳбари эди 1916 йилда) сезиларли таъсири бўлган. Бухорода демократик ҳаракат маърифатсиз, саводсиз аҳоли ўртасида билим, маърифат ва маданият тарқатиш учун кураш шаклини олади. Бу янги усул мактаблари очишдан бошланди. Жаҳолат ва маҳдудлик ҳукмрон бўлган шароитда янги усул мактабларининг очилиши, шубҳасизки, прогрессив ҳодиса эди. Эски усул мактаблар тарафдори бўлганреацион мусулмон руҳонийлар ўртасида бидъат ва хурофот уруғини сочар, тараққиётга тўғаноқ бўлар эди. Шу сабабли руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиб қўйиб ўзларининг бутун таъсирларини ўтказди. Натижада, кўп ўтмай 1908 йилда очилмаган мактабларнинг эшигига қулф солди (тушди). Бундай ҳаракатлар ёқмайди ва янги усул мактаблари ёпиб қўйилганидан кейин (1910), жадинлар “яширин жамият” туздилар. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, чириган давлат тизимини ўзгартириш учун курашнинг ўсиш жадинлар сифатида чинакам демократик кучлар билан бир қаторда, миллатчи элементлар – маҳаллий бойларнинг ранисланизм ва пантуркизм билан заҳарланган вакилларининг активлашувига олиб келди. Ана шу ҳол, - деб ёзади О.Эшонов, - жадинчиликда ажралиш юз беришига, сўл (демократик) ва ўнг (реакцион) оқими майдонга келишига сабаб бўлди. Россияда октябрь Россияда октябрь тўнтариш ғалабаси қозонди. Бунинг самарали таъсиринатижасида ёш бухороликлар партиясининг бир қатор таниқли намояндалари дунё курашида сўлга силжиш юз берди. “Сўл” ёш бухороликлар, ўз олдига амир ҳокимиятини четлаб, давлат бошқарувини демократлаштиришни вазифа қилиб қўйди.

Ф.Хўжаев ёш бухороликларга раҳбар бўлди. Бу вақтнинг ўзида Хивада ҳам ёш бухороликлар фаолият кўрсатар эди. Ф.Хўжаевнинг амирдан ҳокимиятни ёш бухороликларга беришни талаб қилади ва у шу масалада Туркистон ҳукуматига ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1918 йил апрелда Тошкентдаги муҳожирлар ўртасида ажралиш юз беради. Амир ҳокимиятини ревалюцион йўл билан ағдаришга қарши чиқаётган ва либерал ислохотлар ўтказиш поэзиясида турган либерал кайфиятдаги муҳожирлар гуруҳи ёш бухороликларнинг ўнг қанотини ташкил этарди. Бошқа гуруҳ сўл эсерлар программасини қабул қилади ва ёш бухороликлар социал революциалар партиясини бузиб, ўзларини ёш бухоролик инқилобчилари деб атайдилар. Учинчи гуруҳ амирликни ағдариб ташлаш ва демократик республика барпо этишни ёқлаб чиқади. Ана шу гуруҳ йўлбошчиларидан бири Ф.Хўжаев эди. 1918 йил октябр бошларида Ф.Хўжаев Москвага етиб боришга муяссар бўлади. 2 октябрда унга унинг сиёсий муҳожирлиги ва Москвада ҳамда РФСР нинг бошқа шаҳарларида яшашга тўла ҳақли эканлиги тасдиқланади. (Ушбу маълумотни О.Эшонов ОРМДД дан олган). 12 ноябрда унга Туркистонга қайтгач, ЯБухоро амирликнинг контреволюцион мустабид лавфи борлиги сабабли қурол тақиб юришга рухсат берилади. У Москвага келгандан кейин, дарҳол рефер ҳукуматидан Туркистон АССР мухтор вакиллиги ҳузурида ёш бухороликлар комитетини тузади. 1918 йил 30 ноябрда МК ни бундан хабардор қилади. 1918 йил ноябрь ойиданок бу мақсад учун 115000 сўм маблағ ажратади. Ф.Хўжаев бошлиқ ёш бухороликлар комитети ўзбек тожик тилларида 2 ҳафталик “оммабоп” журнал нашр қилишга киришади. 16 ноябрда Москвага ёш бухороликлар

комитетининг Туркистон Республикасининг МИК мухтор вакиллиги аъзолари билан қўшма йиғилиш бўлди. Унда Ф.Хўжаев, Собиржон Юсупов иштирок этди.

1918 – 1919 йилларда Ф.Хўжаевнинг сиёсий муҳожир сифатидаги фаолияти жаҳон инқилобий ҳаракатининг маркази бўлган Москвада ўтди. 1920 йил Ф.Хўжаев Тошкентга келиб, ёш бухороликлар партиясининг Туркистон бюроси тузди. 1920 йил 30 августда Бухоро Халқ Совет Республикаси милиция бошлиғи бўлди. Таниқли америкалик полителог Денальд Карлайн Ф.Хўжаев шахсиятига баҳо бериб, унинг ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги ўрнини қуйидагича кўрсатди:

- Ф.Хўжаев – Ўзбекистоннинг айнан шу навқирон беш вазирлиги ўз мамлакати порлоқ келажаги режаларининг бугунги кунда халқ зўр қатъият ва ирода билан рўёбга чиқараётган режаларнинг яратувчиси эди.

Миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарвар Ф.Хўжаев бошлиқ Бухоро халқ ҳукумати билан ёширин алоқалар ўрнатиб, Бухоролик муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб келиши, Бухоро Республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиш учун курашдилар. Улар билан яширин алоқалар ўрнатиб, фаолиятларини бирлаштиришга ва унга сиёсий тус беришга интиладилар. Бизга тарихдан маълумки, ёш Бухороликларнинг Бухоро Коммунистик партиясига қўшилишида Ф.Хўжаев ташаббускорлик кўрсатган, 15 сентябрғача халқ нозирлари Совети билан БХСР Революцион Комитети Ф.Хўжаев раҳбарлигида биргаликда иш олиб борди. 14 сентябрда Бухоро коммунистик партияси Комитети, Революцион комитет ва БХСР Халқ Нозирлари советининг юқори раҳбар органлари вазифаларини белгилашга

бағишланган қўшма мажлис бўлди. Мазкур мажлисда Ф.Хўжаевга халқ ноўирлар совети раиси ва ташқи ишлаш нозири вазифаси натижасида 1920 йил 10 декабрда бўлган мажлисда Доклад қилган Ф.Хўжаев Шарқий Фронтни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, халқ ўртасида агитация ишларини кучайтириш ва шу асосда Душанбеда жойлашиб олган тахтдан ағдарилган амирни қўмак олишдан маҳрум қилиш ҳақида гапирди. 1921 йил 3 январда 7 Қаршига келди ва дарҳол область революцион комитетида Бухоро коммунистик партияси вилоят комитети билан биргаликда мажлис ўтказди. Шу билан бирга у Бухоро коммунистик партияси бешинчи съездида сайланган партия делегациясига ҳам бошчилик қилди. 1921 йил 4 апрелда мажлисда Ф.Хўжаев иштирок этди ва 25 апрелда Москвадан Бухорога қайтиб келади, 27 апрелда Марказий Комитет мажлисида Москва сафари ҳақида доклад қилади. Бухородаги истиқолчилар сафида халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Деҳқонлар ва хунармандлар кўрбошилар дасталаридаги йигитларнинг асосини ташқил этар эди. Ф.Хўжаев бошчилигидаги республикаси халқ нозирлар Шўроси қийин бир давр вазиятда иш бошлайдилар. Амирлик тузумидан келган оғир шароит, ўрта асрчилик анъаналари, Бухоро қишлоқларидаги қолоқлик, аҳоли ўртасида мутаассиб рухонийларнинг нуфузи баландлиги ва бошқа бир қатор сабаблар шунга олиб келадик, хўжалик ва маданий қурилишнинг бутун программаси маълум даражада қоғозга қолиб кетди. 1923 йил май ойининг охирларида Ф.Хўжаев Бухорода бўлган пленумда қатнашди. 9-12 июнда IV кенгашда ўз қарорлари ҳақида гапириб ўтди. У Шарқий Бухорода бўлган 3 ой давомида ёш бухороликлар билан бирга амирликни

тугатиш ва аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилди. 1924 йил 28 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган махсус пленуми Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказишга ҳозирлик кўриш ва уни амалга ошириш масаласига бағишлади. 1925 йил 11 февралда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съезди ўз ишини бошлади. 13 февралда Бухорода Ўзбекистон советларининг биринчи таъсис съезди очилди. Ф.Хўжаев съездни очиш вақтида 3 тилда – ўзбекча, тожикча, русча сўзлаган, кириш нутқини Шарқ халқларининг улуғ дўстига бағишлаган. 17 февралда 7 ҳукумат бошлиғи бўлди. У халқ Комиссарлари советининг раиси қилиб яқдиллик сайланди ва 12 йил давомида ана шу лавозимда хизмат қилиб келди.

1927 йил 24 мартда Ўзбекистон советларининг II съезди очилди. Республика меҳнаткашлари съездни социалистик қурилишининг ҳамма жабҳаларида катта муваффақиятлар билан кутиб олди. Ф.Хўжаев мазкур съездда Ўзбекистон Марказий ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар совети фаолияти ҳақида қилган докладида республика иқтисоди ривожланаётганлиги ва аҳолининг маданий даражаси ўсганлигини кўрсатувчи маълумотларни келтирди. У серғайрат, ишчан ва партиявий принциплар раҳбар сифатида ажралиб турган.

Ф.Хўжаев СССР советлари Марказий Ижроия Комитети 6 раисидан бири сифатида ҳар йили 2 ой Москвада ишлар, Совет ҳукумати бошлиғи вазифасини бажарар эди. 1928 йил декабрдасо биқ СССР МИК нинг IV сессиясида республика ҳукуматининг фаолияти ҳақида қилган докладида Шарқ халқлари тақдирига қайғурган бўлиб мунофиқона кўз ёпиш тўкаётган иғвогарларга муносиб жавоб берилди. Ф.Хўжаев

доклади юзасидан съезд қабул қилган қарорда “ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигининг қайта қуриш ва мамлакатини индустриштиришга қаратилган сиёсий йўли ва тўғри ва амалий фаолияти асосан қониқарли топилсин” деб кўрсатилди. 18 июлда ВКП (б) марказий Комитети “Бош пахтачилик комитети иши тўғрисида” (Ушбу маълумотларни Э.Эшонов “Известия”нинг 1929 йил 29 август 23-24 сонларидан олган) қарор қабул қилди. Мазкур қарорни ишлаб чиқишда Ф.Хўжаев актив иштирок этди ВКП(б) МК нинг қарорида ана шу ҳисобга олиниб, Ўрта Осиё республикаларида асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта етиштиришни кучайтириш зарурлиги таъкидланди ва 1932 янги пахта ҳосилини 800 000 тоннага етказиш вазифа қилиб қўйилди.

Шу йили саноат ялпи маҳсулоти 1928 га нисбатан 3 бюаравар ошди. Қишлоқ хўжалиги масалалари, биринчи навбатда унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик ҳукумат бошлиғи, ЎзССР халқ Комиссарлар Совети қошидаги экиш Марказий Комиссияси ва “ғалла учлиги” нинг раиси бўлган Ф.Хўжаевнинг доимий диққат марказида турарди. У Фарғона, Андижон, Зарафшон ва сурхондарё вилоятларига тез – тез борар ва фақат пахтачилик районларида эмас, балки чорвачилик ва ғаллачилик районларида ҳам колхоз, совхоз ташкил қилишга раҳбарлик қилар эди. 1930 йил апрел ойи ўрталарида ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг спроя комииссияси мажлисида қатнашди. Унда Ўзбекистон КП (б) марказий Комитетининг секретари А.Икромовнинг Ёппасига коллективлаштириш” ни ўтказиш ва ВКП (б) Марказий Комитетининг “Колхозлаштириш” ҳаракатида партия йўлини бузишга қарши 1930 йил 15 мартда қабул қилган қарорини

базариш тадбирлари тўғрисида” ги доклади муҳокама қилини. 1931 йилнинг июлида якка хўжалик деҳқонларнинг 62 % и колхозга аъзо ўлиб кирган. Мавжуд пахта майдонларини деярли 70 % и жамоат хўжаликлари ҳимоясига тўғри келади. Ф.Хўжаев республиканинг ҳукумат бошлиғи сифатида Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1928 – 1932 йилларга мўлжалланган 5 йиллик панини тузиш комитети ишига бевосита раҳбарлик қилди. Биринчи 5 йиллик план муваффақият билан базарилиши натижасида Ўзбекистонда социализмнинг иқтисодий негизи яратилди. Халқ маорифи ва маданият соҳасида кўп ишлар қилинди. 1923 19 -28 декабрда кейинги конференциял Санкт – Петербургда бўлди. Ф.Хўжаев “Ўзбекистонда 1-5 йиллик якунлари ва социалистик қурилиш соҳасидаги асосий вазифалар” тўғрисида доклад қилди. Конференция ишлаб чиқган тавсиялар республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1933-37 йилларга мўлжалланган беш йиллик панини тузишда асос қилиб олинди. Иккинчи 5 йилликда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини батамом тугатиш ва уни Совет Иттифоқининг илғор индустриал аграр республикага айлантириш кўзда тутилган эди. 1933 й декабрда Ф. Хўжаев Урганчга келади ва 7 ерда партия, совет активлари, мутахассислар, ишчи, деҳқонлар билан учрашади. Шу учрашувдан кейин Амударё қуйи оқимидаги ерларни суғориш йўли билан Хоразм вилояти табиий ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш, шунингдек, 400 км узунликдаги Чоржўй – Янги Уржанч темир йўлини қуриш ҳақида Иттифок ҳукуматига таклиф киритилади. Хоразм иқтисодий райони бой ресурсларини ўзлаштириш мақсадида ВКП/ б) XVII съездида муҳокама қилади. Собик СССР

советларининг VII съездида (1935й 28 декабрь-6 февраль) Ф. Хўжайев республика компартияси ва ҳукуматининг топшириғига биноан республиканинг индустриал ривожланиши учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган муҳим муаммолар ҳақида гапирди. Бу съездда Шарқдаги йирик саноат ва маданият марказларидан бири бўлган Тошкент шаҳрида янгидан реконструкция қилиш масаласи ҳам қўйилди. Ф, Хўжаев мамлакатимизнинг бошқа йирик давлат арбоблари қаторида Совет СССР Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашади. 1935 й 8 июльда у Собик СССР конституцион комиссиясининг аъзоси қилиб тасдиқланган ва марказий ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари бўйича кичик комиссия составига кирган. 1936 й майда бўлган мажлисда 7 Ўзбекистон вакили бўлтб қатнашди. 15 ноябрда очилган VI съездда “СССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисида” доклад қилди ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Совет кишилари ҳаётида содир бўлган барча янгиликлар ҳақида, бу янгиликлар ғалаба қилган социалистик мамлакатнинг асосий қонунида ўз ифодасини топиш кераклиги ҳақида гапирди. Сўзлаган нутқида у ком. партиянинг оқилона миллий сиёсати тантана қилинганлигини, бу сиёсат туфайли чор Россиясининг Собик чекка ўлкаси социализмнинг шарқдаги машъалига айланганлиги Ўзбекистон мисолида кўрсатиб берди. 1937йил май ойида Самарқандда Ўзбекистон амирларининг биринчи сеъзди бўлди. Унда 180 делегат қатнашди. Ана шу катта анжуманда республиканинг Қори Ниёзов, Садриддин Айний, И.М.Мўъминовлар каби таниқли фан ва маданият араблари билан бир қаторда Москва, Санкт – Петербург шаҳарлари ҳамда бошқа қардош республикалардан келган йирик омиллар ҳам қатнашди.

Ф.Хўжаев съезд қатнашчиларига қарата табрик нутқи сўзлади. У Республика социалистик қурилишининг борилишини таҳлил қилди, ҳамда республика меҳнаткашлари, омиллари ва фан арбоблари олдида турган долзарб масалалар ҳақида гапирди. У ўз докладида Хоразм воҳаси ва Қарши даштини ўзлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берди. Унинг фаолияти кўп қиррали эди. Хўжалик вазифаларини перспектив планлаштириш, капитал қурилиш, пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик ирригация қишлоқ хўжалигида меҳнатни механизациялаш ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришда жорий қилиш масалалари билан мунтазам равишда самарали шуғулланар, маданий ва маҳаллий советлар, айниқса қишлоқ ва район советлари ишини яхшилаш доим диққат марказида турар эди. Унинг ташаббуси билан 1931 йил республикада совет қурилиши илмий текшириш институти ташкил этилди. У бошчилик қилган институт ҳузурида ёш олимлар тайёрлаш мақсадида аспирантура очилди. Унинг кўп матбуотда босилган нутқ ва докладлари Ўзбекистонда социализм қурилиши тўғрисидадир. Жумладан:

1) “Ўзбекистон хўжалик аҳволи ва унинг ривожлантириш истиқболлари” 1925 й.

2) “Октябрнинг ўн йиллигига” 1927 йил.

3) “Ўн йил кураш ва қурилиш” 1927 йил

4) “ЎзССР ташкил топган куннинг беш йиллиги” 1929 йил

5) “Ўзбекистонда социалистик қурилишнинг икки йили” 1931

6) “Советлар янги босқичда” 1932 йил.

7) “Бухоро ревалюциясига ва Ўрта Осиёда миллий чегараланиш тарихига оид” 1932 йил

8) “Қурилишимизнинг муҳим вазифалари ҳақида” 1934 йил

9) “Ғолибона 10 йил” 1935 йил

10) “Ўзбекистон юксалиш йўлида” 1936 йил.

11) “Буюк ғалабалар тантанаси” 1937 йил

20 йиллик ижтимоий ва Давлат фаолияти давомида ўз ишига содиқ қолди.

Х У Л О С А

Тарих халққа сабоқ ва маърифат беради. Тарихни ўрганмасдан туриб келажакни англаб бўлмайди. Ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ўз ўтмиши ва кечмишини аجدодлари томонидан яратилган тарихий китобларини синчиклаб ўқиш ва мутолаа қилиш орқали билиб олади. Биз юқорида О.Эшонов асарлари орқали Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатини “босмачилик” деб аталганини билиб олдик. О.Эшоновнинг илмий тасаввурлари ўзгаргунига қадар Ф.Хўжаев ҳақида ҳам хато фикрда эканлигининг гувоҳи бўлдик. Унинг асарлари энди бошқача тарзда ёзила бошланди. Унинг ҳаёт йўли ҳақида бизга тўлиқ маълумотлар йўқ, аммо унинг мақолалари ва асарлари бизгача етиб келган. Унинг асарлари 1920 – 1921 йиллардаги Бухородаги воқеаларга бағишланган.

1920 – 1924 йилларда яшаган Бухоро Халқ Совет Республикаси миллий давлатчилигимиз тарихида муҳим босқич бўлди. Чунки шу даврда кўпгина маълумотлар нотўғри талқин қилинган.

Менинг битирув малакавий ишим О.Эшоновнинг ҳаёт йўли ва унинг илмий мероси тўғрисидадир. Мен унинг асарлари мазмунини ечишда қуйидагиларнинг гувоҳи бўлдим: миллий озодлик курашчилари “босмачилар” деб аталганлигини, бошида Ф.Хўжаевга нисбатан ёмон фикрда эканлиги ва унинг фикрларининг ўзгариши ва х.к.

О.Эшоновнинг бу хатоликлари учун айлаб бўлмайди, чунки ўша замон билан ҳамнафас яшаб, ўша давр талқинича ёзган. Аммо мустақилликка эришганимиздан сўнг, бизнинг кўзимиз очилди. Барча хато деб қилинган ишларимиз тўғри, деб қилинган ишларимиз эмас хато бўлиб чиқди.

Энди БХСР даги инқилоб тўғрисида янги адабиётлар бошқача талқин қилиб нашрдан қичди. Улар миллий истиқлол ғоясида чоп этилди.

Мен ушбу малакавий битирув ишимни ёзишда жуда кўп қийналдим. Чунки 1920 – 1924 йилларни ёритишда эски адабиётлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш кераклигини унутиб қўйдим.

Аммо шундай маълумотлар, фактлар, воқеалар, саналар, исмлар бўладики уларни ўзгартириб бўлмайди. Мен ушбу адабиётлардан ижодий фойдаландим.

Керакли маълумотларни олиб, қолганини шундайлигича қолдирдим. Кўпгина чалкашлар ҳам бўлди. Уларга эътибор бермасдан, олдинга интилиш кераклигини тушуниб етдим. Шундай бўлса-да, мавзуни қамраб олган барча масалаларни

ёритишга ҳаракат қилдим. Камчиликларни ёритишга ҳаракат қилди. Камчиликлар ҳам бўлди. Охирида шундай хулосага келдим. Нима бўлишига қарамас, тарих тарихдир, яъни бўлган воқеалар ўзгартирилмасдан авлодларга шундайлигича етказилади. Худди шундай ишни О.Эшонов ҳам қилди. У ҳеч қўшимчаларсиз, аммо ўша замон мафкураси орқали китобхонларга тарихни (1920 – 1924 йиллардаги БХСР тўғрисида) шундай ёритиб берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 326.
2. Каримов И. Юксак маънавият -енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. - 1766.
3. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халкининг ҳасрати тарихи /Форсийдан Ирисов А. таржимаси. -Т.: Фан, 1991.-32 б.
4. Бухоро тарихи масалалари /Мақолалар тўплами. -Бухоро: Бухоро, 1996.-203б.
5. Гафуров А, Рашидов У «Бухоро халқи шуролар жумҳурияси тарихидан лавҳалар (1920-1924) Т. 1992 й 10 бет
6. Иноятов Х. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. -М.: Мысл, 1984. -276 с.

7. Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. -Душанбе, 1963.-760 с.
8. История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. -М.: Наука, 1971. -256 с.
9. История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.) /Сборник документов. -Т.: Фан, 1976. -484 с.
10. История гражданской войны в Узбекистане. В двух томах. Т.І. -Т.: Фан, 1964.-440 с.; Т.ІІ. -Т.: Фан, 1970. -364 с.
11. Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республика (1920-1924гг.). -Т.: Изд.АН УзССР, 1955. -180 с.
12. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. -Т.: Узбекистан, 1969. -392 с.
13. Ишанов А. «Победа Народной Советской революция в Бухаре» - Издательство А Н , Уз ССР, -Т. 1958г.
14. Ишанов А. « 40 лет БНСР » //«Коммунист Узбекистана” №10, 1960г.
15. Ишанов А. « Народная Советская Республика- Государственности форма при переходе к социализму //«Общественные науки Узб». 1965 г
16. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли /Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.185-202.
17. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002. -144 б.
18. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар) /Ўқув қўлланма. -Т.: Университет, 2002. -168 б.
19. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎЗМЭ. 2-жилд. -Т., 2001. -Б.299-302.

20. Ражабов Қ., Эргашев О. Бухоро воҳасида яшовчи бойлар ва уламоларнинг қатағон қилиниши //Бух ДУ илмий ахборотлари. -Бухоро, 2008. № 3. -Б.13-18.
161. Рашидов У. Бухоро инқилоби: у қандай бўлган эди? //Бухоро ҳақиқати. 1995 йил 23 август.
21. Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 йй.) /Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). -Бухоро, 1996. -Б.95-123.
22. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -99 б.
23. Рашидов У., Рашидова Л. Бухоро амирлигида жаидчилик ҳаракати ва унинг шаклланиш омиллари /Из истории культурного наследия Бухары. (10 выпуск). -Бухара: Бухара, 2006. -Б.81-84.
24. Рашидов У. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. -Бухоро, 2008. -64 б.
- Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Илмий муҳаррир Жўраев М. -Т.: Шарқ, 2000.- 688б.
25. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. /Масъул муҳаррир Алимова Д. -Т.: Шарқ, 2000. -416 б.
26. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари /Масъул муҳаррирлар: Алимова Д, Ртвеладзе Э. -Т.: Шарқ, 2001. -224 б.
27. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик) /Р.Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -675 б.
28. Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ., Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -230 б.
29. Қосимов Ф. Драма революции и правда истории (формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). -Бухара, 1996.-89с.

30. Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро, 1996.-Б.69-93.
31. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. -Бухоро, 1997. - 70б.
32. Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари /Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. -Т. , 2001. -Б.115-118.
33. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. -Бухоро: Бухоро, 2005. -154 б.